

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 103 (1164), 2024 йил 28 май, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ: ТАШРИФ ДАВОМИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ДАВЛАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРАДИ

Кўксарой қароргоҳида 27 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.



Мамлакат тараққиётини белгилувчи омиллар кўп. Улардан бири узоқ-яқин давлатлар билан стратегик алоқаларни мустаҳкамлашдир. Зеро, бугун жаҳонда бир қоида қатъий ишлайди — ҳеч бир мамлакат яқна ўзи ривожлана олмайди.

Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосига қурилатган бу муносабатлар муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг икки томонлама муносабатлари катта ютуқларга эришадиган ҳамкор давлатлари орасида Россия ҳам бор. Бу фикрни тасдиқловчи рақамларни кўплаб мисолларда келтириш мумкин. Хусусан, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми кейинги йилларда қарийб икки ярим бараварга ошди. Россия юртимиз учун энг катта экспорт бозори бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда яна бир мисол, Россия мамлакатимизда ташкил этилган мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ва Россиядан инвестициялар ҳажми кўпаймоқда, саноат кооперацияси ривожланмоқда.

Етачки корхоналарнинг қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш юзасидан келишувга эришилди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорлигини янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, етакчилар энергетика, шу жумладан, атом энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, инновациялар, миграция, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини атрофлича муҳомада қилдилар.

Кўп қиррали маданий-гуманитар алмашув ривожланаётганига юқори баҳо берилди. Таълим ва муҳандис кадрларни тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали муҳомони самимий кутлар экан, Россия Президенти қайта сайланганидан сўнг илк хорижий ташрифларидан бирини айнан Ўзбекистонга амалга ошираётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ташрифга тайёрғарлик доирасида парламент аъзоларининг учрашувлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, “Иннопром” кўргазмаси, икки мамлакат етакчи муҳандислик-техник олий ўқув юртлири ректорлари ва нуфузли тиббиёт муассасалари раҳбарларининг анжуманлари самарали ўтгани, Тошкентда Рус санъати ҳафталиги тадбирлари давом этаётгани таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ўсиб бораётган суръати мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ва Россиядан инвестициялар ҳажми кўпаймоқда, саноат кооперацияси ривожланмоқда.

Етачки корхоналарнинг қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш юзасидан келишувга эришилди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорлигини янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, етакчилар энергетика, шу жумладан, атом энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, инновациялар, миграция, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини атрофлича муҳомада қилдилар.

Кўп қиррали маданий-гуманитар алмашув ривожланаётганига юқори баҳо берилди. Таълим ва муҳандис кадрларни тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин музокараларни расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари батафсил муҳомада қилинди.

Икки томонлама муносабатларнинг хозирги юксак даражаси ва ўзига хослиги, давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳа ва йўналишларини қамраб олганлиги мамнуният билан таъкидланди.

— Сизнинг давлат ташрифингизни ҳақли равишда тарихий деб аташ мумкин. Бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида янги босқични бошлаб бермоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Музокаралар давомида томонлар парламентлар, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралар, ҳудудлар, жамоатчилик, экспертлар ва ишбилармон доиралар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар.

Бу мақсадда Бош вазирлар даражасидаги Қўшма комиссия ва Ҳукуматлараро комиссиянинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилади, уларнинг навбатдаги йиғилишлари шу йил охиригача ўтказилди.

Шунингдек, мунтазам сиёсий маслаҳатлашувларни, БМТ, МДҲ, ШХТ каби халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳамда бошқа кўп томонлама платформалар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттириш заруриги таъкидланди.

Ўзаро савдо айланмасининг барқарор суръати мамнуният билан қайд этилди. Сўнгги 7 йилда у 2,5 баробар ошди. Томонлар янги мақсадли кўрсаткичга — яқин истиқболда савдо ҳажмини 30 миллиард долларга етказишга келишиб олдилар.

Ушбу вазифани амалга оширишга қўмақлаштириш учун Россияда Ўзбекистоннинг тўлақонли савдо ваколатхонаси ташкил этилади.

Бугунги саммитга энергетика, металлургия, нефть-кимё, машинасозлик, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, логистика, фармацевтика, сунъий интеллект ва бошқа кўплаб йўналишларда 20 миллиард доллардан ортиқ қийматда янги саноат кооперацияси лойиҳалари тайёрланди.

Бу каби лойиҳаларни илгари суриш учун Қўшма Инвестиция платформаси ишга туширилади.

Энергетика соҳасида газ ташиш тизимини модернизация қилиш, газ, нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш, углеводородларни қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувга эришилди.

Худудлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўтган ҳафта Ўзбекистоннинг барча худудлари раҳбарлари ташриф билан Россияда бўлдилар.

Озиқ-овқат хавфсизлиги, инновациялар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, миграция каби қатор муҳим йўналишлар ҳам кўриб чиқилди.

Мадааният ва санъат, фан, соғлиқни сақлаш, туризм, ёшлар ва спорт соҳаларида фаол алмашинувлар давом эттирилди.

Томонлар Ўзбекистонда Бауман номидаги Москва техника университети ва Бутурносия ташқи савдо академияси филиалларини очиб бўйича келишувларга эришилганини олқишладилар.

Учрашув чоғида делегация аъзоларининг қисқа ҳисоботлари, тури соҳаларда амалий ҳамкорлик бўйича аниқ таклифлари тингланди. Музокаралар якунида давлат раҳбарлари ҳар бир йўналиш бўйича амалга ошириш механизмлари назарда тутилган “йўл хариталари”ни қабул қилишга топириш бердилар.

Ўтказилган музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Қўшма баёнот имзоладилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурда муҳим икки томонлама битимларни алмашиш маросими бўлиб ўтди. Жумладан, булар:

— Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳамкорлигининг устувор йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;

— Ўзбекистон Республикасида метрология соҳасида техник қўмақ кўрсатиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Биргаликда кино ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Фан ва олий таълим вазирлиги ўртасида илмий технологиялар соҳасида қўшма танловлар ўтказиш тўғрисида битим;

— Балиқчилик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгаришлар киритиш тўғрисида баёнот;

— 2024-2026 йилларга мўлжалланган маданият соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2025-2026 йилларга мўлжалланган туристлар оқимини ошириш бўйича ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги ўртасида товар айирбошлашни кўпайтириш мақсадида саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги ўртасида 2024-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ўзаро савдо ҳажмини ошириш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятининг асосий йўналишлари режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Карантин ва ўсимликларни ҳимоя қилиш агентлиги ҳамда Россия Федерацияси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ветеринария ва фитосанитария назорати бўйича федерал хизмати ўртасида фитосанитария соҳасида рақамли ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган карантин ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Фан ва олий таълим вазирлиги ўртасида “Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети” федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида меморандум;

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида соғлиқни сақлашни ташкил этиш масалалари бўйича, тиббиёт мақсадидаги дори воситаларини, тиббий буюмларни ва юқори технология доволаш усулларини тартибга солиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баёнотлар;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудда кам қувватли атом электр станциясини қуриш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар;

— Тошкентда Бутурносия ташқи савдо академиясининг филиалини очиб тўғрисида битим;

— транспорт машинасозлиги, фуқаролик авиацияси тизимлари саноатини ривожлантириш, туризм алмашинувини ошириш, Тошкентда гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, агрологиядаги таклифларга розилик берилсин; кимё қувватларини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар.

Олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Брифингда сўзга чиққан давлатимиз раҳбари Владимир Путиннинг Россия Федерацияси Президенти лавозимига қайта сайланганидан кейинги илк хорижий ташрифларидан бири бўлган ушбу ташрифини

Ўзбекистонга ва кўпмиллатли халқимизга бўлган алоҳида муносабат ва ҳурматнинг, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги юқори даражаси ва Ўзбекистон — Россия муносабатларини чуқурлаштиришга бўлган қатъий интилишнинг тасдиғи сифатида қабул қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти маъмур саммитга катта тайёрғарлик кўрилгани алоҳида таъкидланди. Парламент вакилларининг учрашувлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, икки давлат ҳукумат делегациялари ўртасидаги ўзаро ташрифлар самарали ўтди.

Ҳар доимгидек аънаваний очик, конструктив ва дўстона муҳитда ўтган конгресс музокараларининг натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Етақчилар икки томонлама кун тартибининг барча долзарб масалаларини атрофлича муҳомада қилиб, делегация аъзоларининг асосий йўналишлари бўйича ҳисоботларини тингладилар, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Савдо-иқтисодий соҳада амалий ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш заруриги борасида яқдил фикрга келдилар.

Давлатлар саноат кооперациясида жиддий илгариланган. Музокаралар давомида энергетика, нефть-кимё, металлургия, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика ва инновацион тармоқлар бўйича аниқ лойиҳалар кўриб чиқилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 3 мингдан ортиқ қўшма корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, лойиҳалар портфели қарийб 45 миллиард долларни ташкил қилади. Бу гагги ташриф доирасида 20 миллиард долларлик янги лойиҳалар бўйича келишувлар имзолангани алоҳида таъкидланди.

Худудлараро ҳамкорлик Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг ҳақиқий ҳаракатланганлигини кўриб бораётгани алоҳида қайд этилди. Худудлар форумини Президентлар раислигидаги Худудлар кенгашига айлантириш бўйича келишувга эришилди.

Давлат раҳбарлари энергетика соҳасидаги стратегик ҳамкорликни кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўтган йили Россия табиий газини Ўзбекистонга етказиб бериш бошланган эди. Музокаралар давомида газ, нефть ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини ошириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва маҳаллий корхоналар негизинда углеводородларни чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳомада қилинди.

Мамлакатимизда кам қувватли атом электр станцияси қурилиши бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди.

— Дунёдаги деярли барча етакчи давлатлар ўз энергетик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини атом энергетикаси ҳисобига таъминламоқда. Агар биз Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичига чиқиш истиқболлари ҳақида ўйласак, катта миқдордаги уран захираларига эга ва уни учинчи давлатларга экспорт қилаётган мамлакатимиз учун лойиҳа ҳаётий аҳамиятга эга, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

► Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ИККИ ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИК ВА ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг 26-27 май кунлари бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Россия музокараларининг самарали натижалари икки давлатнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтиришга интилишини тасдиқлади ва давлатлараро муносабатларда янги саҳифа очди.

Халқаро экспертлар таъкидлашича, маъмур ташриф икки томонлама муносабатларнинг бугунги кундаги юксак даражаси, ўзига хос хусусияти ва давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳа ҳамда йўналишларини қамраб олгани билан аҳамиятга бўлди.

► Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОЛИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИГА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ТАЪЛИМ КРЕДИТИНИ АЖРАТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талаба ва ўқувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий ва профессионал таълим ташкилотларининг

талаба ва ўқувчиларига таълим кредитлари (кейинги ўринларда — таълим кредити) ажратишнинг қуйидагиларни назарда тутувчи тартибини жорий қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) олий ва профессионал таълим ташкилотларида тахсил олиш учун таълим кредитини фақат кундузги таълим шаклида ўқиётган талаба ва ўқувчиларга ажратиш;

б) таълим кредитини:

олий таълим ташкилотларининг биринчи босқич талабалари ҳамда профессионал таълим

ташкилотлари ўқувчилари учун тўлов-контракт суммаси миқдорига;

олий таълим ташкилотларининг иккинчи ва ундан юқори курс талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи “3” дан паст бўлган тақдирда тўлов-контракт суммасининг кўли билан 80 фоизи миқдорини ажратиш (“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилалар фарзандлари бундан мустасно).

► Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ: ТАШРИФ ДАВОМИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ДАВЛАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Жорий йилда Ўзбекистонда Россиянинг йирик маданий тадбирлари, жумладан, кино кунлари ўтказилди. Россияда Ўзбекистон маданияти кунлари, кўрғазмалар ва театрларимизнинг ижодий сафарлари бўлиб ўтди.

Президентлар таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш аҳамиятини қайд этдилар. Икки мамлакат етакчи университетлари ва тиббиёт муассасалари ўртасида доимий мулоқот ва самарали шерикликни қўллаб-қувватладилар.

Муҳандислик кадрларини тайёрлаш бўйича кўшма ишлар бошланди. Бу мақсадда ташкил этилган Тошкентдаги Николай Бауман номидаги Москва давлат техник университети филиали мамлакатимизда фаолият юритаётган етакчи Россия университетларининг ўн бешинчиси бўлди.

Миграция соҳасидаги ҳамкорлик масалалари музокараларнинг алоҳида мавзуси бўлди. Бу соҳада ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмлари бўйича келишувга эришилди.

Ташқи сиёсий идоралар ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлари давом эттириш, минтақавий ва халқаро тузилмалар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида мулоқотни чуқурлаштириш муҳимлиги тасдиқланди.

Анъанавий ва янги таҳдид ва хатарларга, биринчи навбатда, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши курашиш бўйича ваколатли органлар ва махсус хизматлар ўртасида яқин ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон ва Россиянинг диққат марказида қолади.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари музокаралар натижаларидан мамнунлигини билдириб, россиялик ҳамкасбига ўзи билан Ўзбекистонга Россиянинг асосий вазирлик ва идоралари, субъектлари

раҳбарларидан иборат нуфузли делегацияни олиб келгани учун миннатдорлик билдирди.

Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давомидаги сермазун учрушувлар ва самарали натижалар икки томонлама дўстлик, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, давлатлараро ҳамкорлик тарихида янги боб очишига ишонч билдирилди.

Кўрсарой қароргоҳидаги икки томонлама тадбирлар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Фахрий меҳмонлар хайбонига ташриф буюрдилар.

Бу ерда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Россия халқларининг дўстлиги, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг рамзи сифатида биргаликда дарахт экидилар.

Хиёбонда бошқа ҳамкор давлатлар етакчилари томонидан экилган дарахтлар ҳам ўсмоқда.

Ўзбекистон — Россия саммити доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Тошкент шаҳридаги “Галаба боғи” ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар.

Кўпмиллатли халқларимиз кўп асрлик умумий тарихимиз ва унинг ёрқин саҳифалари, жумладан, Иккинчи жаҳон урушидаги Галабани алоҳида ҳурмат-эътибор билан ёд этдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида “Инсон қадрини унун” таъмоилии ислохотлар дастурининг мутлақ устувор йўналишига айланди. Хусусан, Ўзбекистонликларнинг уруш жанггоҳларида кўрсатган қаҳрамонлиги ва фронт ортидаги фидокорона меҳнатини абадийлаштириш учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йил 9 майда “Галаба боғи” очилди.

Кенг мажмуа бир нечта ҳудудга бўлинган бўлиб, ҳар бири алоҳида мавзуга бағишланган — уруш даҳшатлари ва аскарлар қаҳрамонлиги, фронт ортидаги ишчилар матонати ва фидойилиги, қайғу ва дард, шодлик ва шукроналик.

Бу ерга ташриф давомида Ўзбекистон ва Россия Президентлари халқ бўлган аскарларнинг хотирасини ёдга олдилар ва уруш дастандан беш нафар ўғлидан айрилган Зулфия ая Зокирова хотирасига ўрнатилган “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойғига гулчамбар қўйдилар.

Мажмуанинг энг юқори нуқтаси — сунъий тепалик чўққисиде “Абадий жасорат” композицияси — Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор Собир Раҳимов ва Иккинчи жаҳон урушида қатнашган барча ўзбекистонлик аскарлар хотирасига бағишланган ёдгорлик ўрнатилган.

Тепалик ичида боғнинг асосий павилони — Ўзбекистоннинг урушдаги иштироки тарихига бағишланган Шон-шараф музейи жойлашган.

Етакчилар музейнинг бой экспозицияси билан танишиб, шонли ўтмишимиз ҳақида хотирани асраб-авайлаш муҳимлигини таъкидладилар. Тарихий меросни эъзозлаш ёшларда ватанпарварлик руҳини тарбиялаш ва халқлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга муҳим ўрин тутгани алоҳида қайд этилди.

Галаба боғининг маҳобати ва салобати Россия делегацияси аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Шу кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бу платформа олти йил аввал икки давлат раҳбарлари томонидан ишга туширилган бўлиб, кўшма Худудлараро ҳамкорлик форуми шаклида фаолият юритган.

Худудлараро ҳамкорликнинг жадал суръати, ўзаро инвестицияларнинг юқори динамикаси, кўшма лойиҳалар сони, шунингдек, ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириш учун катта салоҳиятни ҳисобга олиб, форум мақомини ошириш ва уни Президентлар раислигидаги Ўзбекистон ва Россия худудлари кенгашига айлантиришга қарор қилинди.

Кенгаш мажлисини очар экан, давлатимиз раҳбари Президент Владимир Путин ва Россия делегацияси вакилларини, жумладан, 30 га яқин ҳудуд раҳбарлари ва 300 нафар етакчи саноат корхоналари, бизнес вакилларини самимий кутлади.

— Бундай ҳамкорлик юқори самардорлик билан ажралиб туради, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги узоқ муддатли шерикликни кенгайтиришга хизмат қилади, — деб таъкидлади Президентимиз.

Олий даражадаги музокаралар самарали натижалар билан якунланган, икки давлат ва халқлар манфаатлари йўлида кенг қамровли шерикликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган умумий интилишни кўрсатгани мамнуният билан қайд этилди.

Йил бошидан бери барча даражадаги, жумладан, икки давлат худудлари ўртасидаги алоқаларнинг фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Шу маънода, худудлараро мулоқотни янада ривожлантириш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда худудлар даражасида 4 миллиард долларлик 200 дан ортиқ кўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. Кенгаш мажлиси доирасида 5 миллиард долларлик янги шартномалар тўплами тайёрланган.

Олий даражадаги музокаралар давомида товар айирбошлаш ҳажмини яқин йилларда 30 миллиард долларга етказиш ва келаси йили 10 миллиард доллар инвестиция ўзлаштириш бўйича янги мақсадлар белгилаб олингани мамнуният билан қайд этилди.

Мақсадларга эришишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи айнан икки давлат

худудлари бўлиши лозимлигини таъкидлаган давлатимиз раҳбари ҳамкорликнинг қатор устувор йўналишларини белгилаб берди.

Авалло, ўзаро савдони кўпайтириш. Сўнгги 7 йил ичида Ўзбекистоннинг Россия билан товар айирбошлаш ҳажми 2,5 баробарга ўсди. Ўзаро етказиб бериш таркиби, энг аввало, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ҳисобига сифат жиҳатидан яхшиланди.

Асосий ҳамкорлар қаторида Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Москва, Ленинград, Новосибирск, Астрахань, Иваново, Челябинск вилоятлари, Красноярск, Пермь ўлкалари, Татаристон, Бошқирдистон ва бошқалар бор.

Кооперация ва импорт ўрнини босиш лойиҳаларини ошириш ҳисобига товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар режалари қабул қилинди, бу жараёнга худудлар фаол жалб қилинди.

Савдо ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Россияда Ўзбекистоннинг тўлақонли савдо ваколатхонаси очилди.

Инвестиция ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик суръати юқори баҳоланди. Ўзбекистонда уч мингдан ортиқ Россия компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятида татаристонлик ҳамкорлар билан бирга ишга туширилган “Химград” саноат зонаси кенгайтирилмоқда, Жиззах вилоятида унинг филиали барпо қилинмоқда.

Россия худудларининг етакчи корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суриш учун янги кўшма саноат зоналарини ташкил этиш режалари қўллаб-қувватланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналиш сифатида

кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон худудларида агрологистика марказлари тармоғини кенгайтириш ишларини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Худудларга Россияда улгуржи-тақсимлаш марказларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги эканларини биргаликда етиштириб, кейинчалик юртимизга етказиб бериш бўйича топшириқлар берилди.

Маданий ҳамкорлик бўйича уч йиллик дастур қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти туризм алмашинуви кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади. Сўнгги бир неча йилда россиялик туристлар сони 5 баробарга ошди. Ўзбекистон ва Россиянинг барча йирик шаҳарлари мунтазам авиақатновлар билан боғланган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Россиянинг тарихий шаҳарларига туристик йўналишлар ва саёҳатларни ривожлантириш бўйича янги кўшма дастурларни қабул қилишни таклиф этди.

Ўз навбатида, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин мамлакатимиз билан кўп қиррали муносабатларнинг ривожланишидаги ижобий тенденцияларни юқори баҳолаб, Россия ва Ўзбекистон худудлари ўртасидаги мавжуд ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашнинг муҳим аҳамиятини таъкидлади. Ишбилармон доира вакилларини кўшма лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишга фаол иштирок этишга чақирди.

Мажлис доирасида бир қатор янги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошлангани эълон қилинди.

Умуман, кенгаш доирасида савдо-иқтисодий, илмий-техник ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича худудлараро ҳамкорлик ҳужжатлари ва битимлар тўплами имзоланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛБЕКОВ, ЎЗА мухбирлари

ИККИ ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИК ВА ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Макс СЭЙ, Малайзиянинг “Kingsley Strategic Institute” таҳлил маркази ижрочи директори:



— Россия Президентининг ташрифи Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги юксак ишонч ҳамда ўзаро англашув даражаси билан ажралиб турадиган икки томонлама муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Икки давлат раҳбарларининг товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва аввал эришилган келишувларни амалга оширишга қара-

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

тилган олий даражадаги музокаралари сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатлар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон ва Россия худудлари кенгашининг биринчи йигилишининг ўтказилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Хусусан, ушбу форумда иштирок этиш учун Россиянинг 18 губернатори Тошкентга келди. Бундай ёндашув икки давлат ўртасидаги худудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги муваффақиятлардан далолат беради.

Шу нуқтага назардан, кейинги йилларда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги, хусусан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Савдо айланиши ва лойиҳалар сони муттасил ошиб, корхоналар ва худудлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик фаоллашди. Хусусан, 2023 йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ўсди ва 10 миллиард доллардан ошди. Жорий йил биринчи чорагида бу кўрсаткичлар ўсишда давом этди.

Қайд этиш керакки, саммит доирасида икки томонлама ҳужжатларнинг янги пакети қабул қилингани ва улар амалда татбиқ этилиши, шубҳасиз, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармовий, илмий-гуманитар, транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни, шунингдек, икки давлат аҳолиси турмуш даражасини янада ошириш ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ташриф натижалари мамлакатлар ўртасидаги шериклик ва дўстлик муносабатларини янада ривожлантиришга кучли туртки беришига ҳамда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги худудлараро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишига ишончим комил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОЛИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИГА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ТАЪЛИМ КРЕДИТИНИ АЖРАТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Белгилансинки: а) таълим кредити: олий таълим ташкилотлари талабалари учун — талабалар тўғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш” (kontrakt.edu.uz) ахборот тизими ва “Олий таълим жараёنларини бошқариш” (NEMIS) ахборот тизимида мавжуд бўлганда; б) профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун — ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Профессионал таълим жараёнларини бошқариш” (prof.edu.uz) ахборот тизимида мавжуд бўлганда ажратилсин;

б) ўз дастурий таъминотига эга бўлган олий ва профессионал таълим ташкилотлари таълим кредитини олиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши таъминлансин. 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлариغا иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин. 5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. 6. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

3. Қуйидагилар: а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2024 йил 1 июлга қадар ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча олий ва профессионал таълим ташкилотлари-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2024 йил 27 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

Холид МАХМУД, покистонлик тадбиркор, “Novugen Pharma” компанияси асосчиси:



— Эътиборлиси, бу Россия раҳбарининг Президент этиб қайта сайланганидан сўнг Хитой ва Беларусдан кейинги учинчи хорижий ташрифи саналади. Муболагасиз айтиш мумкинки, бу Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоҳида муносабатлардан далолат беради. Икки давлат ўртасидаги изчил ривожланиётган иқтисодий алоқалар нафақат Ўзбекистон ва бутун минтақа, балки Покистон учун ҳам катта аҳамиятга эга. Сиёсатчиларимиз, ишбилармонларимиз икки томонлама учрашув ва музокараларнинг боришини диққат билан кузатиб, давлатлар БМТ, МДХ, ШХТ ва бошқа глобал ҳамда минтақавий тузилмалар доирасида ҳам бир-бирининг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаб келаётган. Сирдарё вилоятида ташкил этилган “Novugen Pharma” компаниямиз бир неча йилдан буён Ўзбекистон фармацевтика бозорига муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон — Россия савдо-иқтисодий муносабатлари ўзбек товарлари ва хизматларини сотиш учун қанчалик муҳим эканини шахсий тажрибамдан биламан. Чунки компаниямиз Ўзбекистонда ҳам фаолият олиб боради. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг бир қисми Россия ва МДХнинг бошқа давлатларига экспорт қилинмоқда. Шунинг учун биз Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасидаги келишувларга катта аҳамият қаратамиз.

Ўзбекистон ва Россия барча даражаларда, жумладан, минтақалараро ҳам ўз орбитасига тобора кўпроқ янги иштирокчиларни жалб этган ҳолда жадал ва кенг қўламли алоқаларни давом эттирмоқда. Шунингдек, мам-

Мажед АТ-ТУРКИЙ, Ахборот ва рус-араб тадқиқотлари маркази директори (Саудия Арабистони):



— Ташриф Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги шериклик ва стратегик иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг юксак даражасини тасдиқлайди. Чунки бу Россия Президентининг давлат раҳбари этиб қайта сайланганидан кейин Хитой ва Беларусга ташрифлари якунлари бўйича хорижий сафарларининг устувор йўналишларидан биридир.

Ташриф 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ва 2022 йилдаги Кенг

қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация доирасида бўлиб ўтди. Бугунги кунда 370 дан ортиқ ҳужжатдан

Шерадил БАКТИҒУЛОВ, Қирғизистон Президентини хузуридаги Стратегик тадқиқотлар миллий институти илмий ходими:



— Ўсиб бораётган икки томонлама ҳамкорлик кўрсаткичларидан бири бу — ўзаро товар айирбошлаш бўлиб, у алақачтон ўн миллиард долларлик доводдан ошган. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда, жумладан, энергетика, аэрокосмик, кимё муҳандислиги, таълим, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда ҳам изчил ривожланмоқда.

Президент Владимир Путиннинг қайта сайланганидан кейинги давлат ташрифи Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Владимир Путин ўзининг инаугурация маросимидаги нуқтада Россия ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор йўналиш эканини тасдиқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилда Ўзбекистоннинг минтақадаги қўшчилари

билан ҳамкорлиги устуворлик касб этишини эълон қилган эди. Кўриб турганимиздек, ҳар икки Президентнинг ташқи сиёсат йўлида ўхшаш стратегик қарарлар мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистон Россиянинг Марказий Осиё минтақасидаги стратегик ҳамкори ва иттифоқчидир. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар ишончли ва дўстона сиёсий мулоқот билан ажралиб тура-

“Дунё” АА

Фахр

ЁШЛАР — ЮРТИМИЗНИНГ УМИДИ ВА ТАЯНЧИ

ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ, РАВНАҚИ УЛАР ҚЎЛИДА

25 май куни мамлакатимиздаги 10 мингдан зиёд мактабда сўнгги кўнгирак садоси янгради. Бу кўнгирак, айниқса, 11-синф битирувчилари учун янада ҳаяжонли бўлгани аниқ. Чунки 11 йил мактаб бағрида болаликнинг шодон дамларини, ўсмирликнинг қувнок, бироқ масъулиятли даврини ўтказган, билим олган, истеъдодини кашф қилган ёшлар шу куни катта ҳаётга қадам қўйди. Уларни устозлар, ота-оналар табриклади, эзгу тилаклар билдирди.

Президентимиз мамлакатимиз мактабларини битирувчи ўғил-қизларга табрик йўлади. Билим ва истеъдоди, куч-гайратини янги Ўзбекистон бунёдкори, жонжон юртимизга муносиб фарзанд бўлишдек эзгу мақсадга бахш этишга бел боғлаган навқирон авлоднинг мактаб таълимини муваффақиятли тугатаётгани билан чин қалбдан самимий табриклар, оқ йўл тилади. Табрикда таъкидланганидек, мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш,

қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг шу йил 24 майдаги "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони ана шу эътибор натижасидир. Мазкур ҳужжат катта ҳаётга қадам қўйётган ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очди.

Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:

— Президентимизнинг мактаб битирувчиларига йўлаган табриги ёшларни жуда руҳлантириб юборди. Табрик мазмунига эътибор қаратсак, мамлакатимиз келажagini белгилайдиган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи, келажакка интилишга ундовчи руҳда эканини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки давлатимиз раҳбари битирувчиларга табриги орқали юртимизда ёшларнинг таълим олиши, маънавиятли, маърифатли шахс бўлиб тарбияланиши учун қилинаётган ишларга алоҳида тўхтади. Жумладан, илм-фан, спорт, санъат ва адабиёт йўналишларида халқро



меъёрларга мос равишда таълим жараёнини ташкил қилишда барча имконият яратилаётганини таъкидлади.

Таълим тизимидаги ислохотлар, айниқса, мактаб битирувчиларини олий таълимга қабул қилиш бўйича яратилаётган имкониятлар беқийс ўзгаришларга юз тутаётганидан далolat. Спорт, адабиёт ёки санъат йўналишларидаги мусобақалар, танловларда қатнашиб, юқори натижаларга эришган ёшларга олий таълим муассасаларига киришга ёки хотин-қизларга магистратура босқичида ўқиш учун берилётган имтиёзларнинг барчаси ёшларимизга қаратилган эътибор натижасидир.

Ёшларнинг бу имкониятлардан унумли фойдаланиши, билимини ошириши ва келгусида жаҳон андозаларига мос кадр сифатида шаклланиши мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилади.

Жонибек БАХТИЁРОВ, Хива шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси:

— Сўнгги кўнгирак жаранглаши олдидан давлатимиз раҳбарининг битирувчи ёшларга байрам табриги ўқиб эшиттирилди. Табрикдаги "Ҳар бирингиз устозларнингиз ва ота-онангиз қалбингизга сингирган қадриятларга ҳамиша содиқ бўлиб, халқимизнинг бебаҳо меросини янада бойитишга, юртимизнинг ёруғ келажак-ига ҳисса қўшишга интилингиз", деган қаҳриқ мени руҳлантирди.

Кўпроқ илм олишимиз, жаҳон андозаларига мос ўқишимиз учун кен имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони асосан, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият ва магистратурага қабул қилинган талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун



ажратилиши, таълим гранти асосида тахсил олган талабаларнинг ўқишни тамомлаганидан сўнг камида 3 йил ишлаб бериш мажбурияти бекор қилиниши, магистратура босқичида ўқишни давом эттириш учун тил билиш даражаси пасайтирилгани биз, ёшларга яратилган имкониятларнинг яққол намунасидир.

Биз бундан унумли фойдаланиб, билимимизни янада оширишимиз, чет эл талабалари билан беллаша оладиган даражага етишимиз, ота-онанимиз, юртимиз ва Президентимиз ишончини оқлашимиз лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, катта ҳаётга қадам қўйяётган тенгдошларимизга бу йўлда учрайдиган қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтишни, ўз мақсадларига етишни тилаймиз. Илм олиш йўлида бир дам тин олмаслигимиз лозим. Шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот асрида бир сония тўхташимиз бошқалар биздан ўзиб кетишига сабаб бўлади. Шундай экан, бизга билдирилаётган юксак ишончини оқлашимиз, давлатимиз байроғини кўкка кўтаришимиз, ўзбек деган номни дунёга таъинишимиз керак.

Фаррух ҚУРБОНОВ, Бухоро вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи:

— Яна бир ўқув йили якунига етди. Вилоятимиз мактабларининг 11-синфини 21 минг 860 ўқувчи тамомлади. Мустақил ҳаёт сари учирма бўлаётган битирувчиларимизнинг 727 нафари олтин, 132 нафари кумуш медалга муносиб кўрилди. Ўқш ва жамоат ишларида фаол қатнашиб, тенгдошларига ўрнак бўлган бундай иқтидорли ўқувчилар билан фахрланамиз.

Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариш учун барча имконият яратилган. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга иккита хорижий тил ва касб-хунар ўргатиш тизими йўлга қўйилгани, давлат умумтаълим мактаблари билан бир қаторда нодавлат мактаблар, Президент таълим муассасалари, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари фаолият юритаётгани ушбу тизимда қисқа муддатда чуқур тарқиб ва сифат ўзгариши ўзи берганини кўрсатади. Шунингдек, ҳатто чекка-чекка ҳудудларда ҳам замонавий мактаблар барпо этилаётгани, мавжуд таълим муассасаларида ёшлар сифатли таълим-тарбия олиши учун қўлай шарт-шароит яратилаётгани ҳам фикримиз далилидир.

Айни пайтда виллоятимизда 548 та умумтаълим мактаби, 1 та Президент таълим муассасаси, 12 та ихтисослаштирил-



ган мактаб фаолият юритмоқда. Уларда ўқувчилар чуқур билим олиши, қобилиятини намоён этиши, юксак маънавият эгалари, чинакам ватанпарвар инсонлар бўлиб етишиши учун барча имконият яратилган.

Яқунданги ўқув йилида ўқувчиларимизнинг 7 нафари фан олимпиадаларининг республика босқичида ғолиблар қаторидан жой олди. Иқтидорли, илмга чанқоқ ўқувчиларимизнинг 7 нафари халқро фан олимпиадаларида юқори натижа қайд этиб, 1 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза медални қўлга киритган ҳолда жаҳон майдонидан юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Бугун мактаб партасидаёқ нуфузли хорижий ва маҳаллий олийгоҳлар талабаси бўлиш имкониятини қўлга киритаётган ўқувчиларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Жорий йилда бундай иқтидорли йи-

гит-қизларимиз сони 350 нафардан ошди. Давлатимиз раҳбарининг битирувчиларга табриги улар учун мана шу мақсад йўлидаги ҳаракатга алоҳида руҳ бағишлади.

Табрикни нафақат мустақил ҳаёт оstonасида турган ўқувчиларимиз, балки ота-оналар ва биз — устозлар ҳам зўр ҳаяжон билан тингладик.

"Биз жаҳонга илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуг зотларнинг авлодимиз. Уларга хос бўлган ноёб хусусиятлар, улар яратган анъаналар бутун ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда ва ҳаётимизда яшамоқда.

Эндиликда биз ана шу буюк аждодларимизнинг чинакам давомчилари бўлган қалби қайноқ ёшларимизнинг юксак маънавий ва интеллектуал салоҳияти, уларнинг дунёни лол қолдирувчи ютуқлари билан ҳам фахрланишга ҳақлимиз.

Ҳар шубҳасиз, ҳаётда юксак натижаларга эришиш учун тинимсиз ҳаракат, шижоат ва жасорат талаб этилади. Сизларнинг чуқур билим олиш, замонавий касб-хунарларни ўрганиш орқали Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишингиз ва унинг тақдирини ўзини масъулиятни зиммингизга олишингизга ишонаман", дейилди табрикда.

Ёшлар ўзларига билдирилган бу катта ишончини, албатта, оқлайди, деб умид қиламиз.

Ҳулқарой ХУДОЙҚУЛОВА, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 307-ИДУМ битирувчиси:

— Кўнгирак садолари ҳар биримизнинг қалбимизни ҳаяжонга солади: хоҳ у биринчи кўнгирак бўлсин, хоҳ сўнгги кўнгирак. Ҳар ўқув йили жонжон мактабимиз бизни кўнгирақнинг жўқини садоси остидан кутиб олган, сўнгги кўнгирак садоси билан таътилга кузатган. Бу йилгиси катта ҳаётга йўловчи овоз бўлди.

Президентимизнинг битирувчиларга табригини иштиёқ билан тингладик. Давлатимиз раҳбари "Ҳеч қачон орзу қилишдан тўхтаманг, катта мақсадлар йўлида



имкониятларингизни синаб кўришдан, бу йўлда хато қилиш ва улардан сабоқ олишдан

кўрқманг. Чунки халқимиз сизларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Сизларнинг янги ғоя ва ташаббусларингиз, иштиёқингиз ва кучингиз нафақат Ўзбекистонни, балки бутун дунёни ўзгариштириш мумкин. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадингиздан орта чекинманг", дея бизни руҳлантирди. Бу сарфани ёшларнинг барчаси ўз олдига эзгу мақсадлар қўйган. Мен Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ўқишга кирмоқчиман. Мақсадим — етуқ журналисти бўлиш. Бу исгагим ушалайи йўлида пухта ҳозирлик кўрялман.

"Янги Ўзбекистон" мухбирлари Башорат ЮНУСОВА, Мансурбек ЖАББОРОВ эсиб олди.

Ислохотлар амалда

МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ТАЪЛИМ УЙЎНУЛИГИ

Бугун камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун жуда катта куч ва энергия сарфланаяпти. Албатта, бу кечиктириб бўлмас вазифа. Муаммоларни бутунлай бартараф этиб бўлмайди. Унинг сабаблари ҳал этилгачгина масалалар тўла ечим топилади. Иجتимоий-иқтисодий масалаларнинг барчасига ягона ечим тўғри таълим-тарбиядир.



Яқинда бир синфдошим билан сўхбатладим. У узоқ йиллар хорижда меҳнат қилган. Ҳозир Тошкент шаҳрида ишлаяпти.

— Зўр иш чекди, қурилишда бригада бошлиғи бўлиш керак экан, дипломини йўқлиги панд берди, — деди у. — Шунинг учун бу йил ўқишга топширсаммикан, деб турибман.

У хорижда қурилиш соҳасида ишлаб, иморат тиклашнинг ҳадисини олган. Аммо иш берувчи қуруқ гапларига ишониб, танишимга масъулиятли вазифани топшира олмайди. Унга иморатнинг чизмасини тушунадиган олий маълумотли мутахассислар керак. Биздаги ақсарият муаммолар сабаби эса айнан шунда. Яъни таълим ва иқтисодиёт тармоқлари бир-бирдан узилиб қолган эди. Бунда бўлишқ оқибатда таълим даргоҳлари эҳтиёж кам бўлган мутахассисларни тайёрлайди. Реал ҳаётдаги бўш иш ўринларига эса номзод топилмайди. Сўнг ҳар икки томон бирдек жабр кўради. Иш берувчилар кадрлар йўқлигидан, фуқаролар эса тайинли иш етишмаслигидан нолияди.

Юртимизда иجتимоий-иқтисодий ислохотлар билан бир вақтда таълимга катта эътибор берилмоқда. Бугун қийнаётган муаммолар жойида ҳал этилиб, келтириб чиқараётган сабаблар ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 24 майдаги "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони соҳадаги ислохотларнинг узвий давоми сифатида янги босқичга замин бўлди. Зеро, мазкур ҳужжат кадрлар тайёрлашни иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқ ва соҳаларига манзилли йўналтиришга қаратилгани билан ҳам муҳим. Содда тушунтирсак, энди олий таълимга қабул қилишда кадрларга эҳтиёж ҳисобига олинади. Меҳнат бозори ўрганилади. Натижада келгусида битирувчилар иш топишга қийналмайди. Хўш, мазкур ишлар қандай қилинади? Фармонга кўра, 2024/2025 ўқув йили қабулдан бошлаб мазкур йўналишдаги ўзгаришларга илқ қадам ташланади. Яъни давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилинади. Унинг ўрнига бакалаврият таълим йў-

налишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим тизимда тақсимлаш тартиби жорий этилади. Эътиборлиси, давлат буюртмаси бўйича квоталар тақсимотида муҳандислик, тиббиёт, аниқ ва табиий фанлар билим соҳаларига устуворлик берилди.

Яна бир муҳим жиҳати, давлат буюртмасининг соҳадаги ўзгаришларга мос равишда ўзгартиришлари. Яъни 2025 йилдан бошлаб давлат буюртмаси параметрлари Иқтисодиёт ва молия ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари маълумотлари асосида шакллантирилади. Мазкур вазирликлар олий маълумотли кадрларга талабни прогноз қилиб боради. Шунга мувофиқ давлат буюртмаси ҳар 4 йилда янгиланади.

Дейлик, бу йил қурувчи-муҳандислар учун эҳтиёж катта. Квота шунга қараб белгиланади. Тўрт йилда эса мазкур йўналиш талабалари таълимни тамомлаб, ишга жойлаша бошлайди.

Мана шу ўқишга қараб, вазирликлар ҳолатни таҳлил қилади ва квотани яна ошириш ёки камайтириш ҳақида ҳулоса беради. Ушбу амалиёт сабаб шу вақтгача бизни қийнаб келётган асосий муаммо — кадрлар ва ишга эҳтиёж мувозанатга келтирилади.

Шунингдек, ҳудудлар, соҳа ва тармоқларнинг олий маълумотли кадрларга эҳтиёжини таъминлаш учун давлат буюртмаси параметрлари донрасида мақсадли қабул қилинади. Эътиборлиси, мазкур атлас ҳар йили янгиланб борилади. Бу ишларга Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Иқтисодиёт ва молия ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Савдо-саноат палатаси ва иш берувчилар уюшмалари маълумотлардан фойдаланиши керак. Бундан ташқари, яна қўллаб-қувватлаш шакллантирилади. Жамланган маълумотлар асосида 2025 йил 1 майга қадар "Ўзбекистон янги касблар атласи" электрон платформаси яратилади. Эътиборлиси, мазкур атлас ҳар йили янгиланб борилади. Бу ишларга Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Иқтисодиёт ва молия ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Савдо-саноат палатаси ва иш берувчилар уюшмалари маълумотлардан фойдаланиши керак.

Бизда олий таълим йўналишини танлашда қизик тенденция бор. Абитуриентлар баъзида қайси йўналишга талабгор кам бўлса, шунини танлайди. Бу орқали улар ўқишга қабул қилиниши эҳтимолини оширади. Аммо узоқ келажакда айнан шу танлов уларнинг эътиборини йўналишга сабаб бўлади. Бунга мазкур жиҳатлар билан ечим берилади. Шунга қарамай, малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилиб, қабул ва ўқиш жараёнига ҳам ўзгаришлар жорий қилинмоқда. Хўш, бу борада бизни қандай ўзгаришлар кутмоқда?

Энди қабул жараёни кескин ўзгаради. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига қабул қилиш имтиҳони "аввал тест, сўнг танлов" асосида икки босқичда ўтказилади. Яъни танлаш соҳасида мос келадиган фанлар мажмуасини танлаб, тест синови учун ариза берилади. Бу биринчи босқич бўлиб, абитуриентлар ҳар йили 5 июндан 25 июнга қадар рўйхатдан ўтади. Шу жараёнда абитуриент таълим тили ва тест топшириш ҳудудини танлайди. Танлов асосида тест синовидан ўтади. Тестдан сўнг бир кун ичнда натижалар эълон қилинади.

Иккинчи босқич тест синовлари тўлиқ якунланганидан сўнг 15 кун давомида бўлиб ўтади. Шу муддатда улар олий таълим йўналиши ва шаклини танлайди. Содда қилиб айтганда, абитуриентларда тўплаган балига муносиб таълим йўналишини танлаш имконини бўлади. Шу орқали ёшларга таълим олишда тенг имконият яратилади. Уларнинг салоҳияти ва билимга муносиб касб танлаш йўли очиб берилади.

Бунинг энг муҳим жиҳати шундаки, энди тест синови тавakkалчиликка асосланмайди. Масалан, ўтган йилларда абитуриентлар топширилган ҳужжатлар кўлимига қараб, тахминан

шунча балл тўпласам, ўқишга қабул қилинман, деган тахмин қиларди. Энди ҳужжат топширилшдан олдин бундай бўлмайди. Имон қадар кўпроқ балл тўплаган шарт бўлади. Шундангина у ўзи истаган таълим дароғи ва йўналишини танлаш имконини қўлга киритади. Бу ўз-ўзиндан рақобатни, ёшларнинг илм олишга рағбатини кучайтиради. Энг қизиги, бу рағбат ва рақобат ўқишга қабул қилинган, сўниб қолмайди. Чунки давлат гранти асосида ўқиш ҳар йили ана шундай синов натижасида ҳал этилади.

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият ва магистратурага қабул қилинган талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун ажратилади. Демак, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган талаба фақат бир йил шу имкониятдан фойдаланиши мумкин. Кейинги ўқув йилларида эса у шунга муносиб эканини яна исботлаш керак. Дастлаб таълим гранти биринчи курсда олий таълим ташкилотларига ажратилган давлат буюртмаси квотасига мувофиқ кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган талабаларга ажратилади. Иккинчи ва ундан кейинги курсларда эса таълим гранти юқори академик рейтинг кўрсаткичларига эришган ва иجتимоий фаол талабалар орасида табақалаштирилган тартибда қайта тақсимланади. Бу бевосита олий таълим ташкилотлари томонидан жорий этилади.

Шу ўринда табақалаштириш нима, деган ҳақиқи савол туғилади. Дейлик, битта олий ўқув юртига ўнта грант ўрни берилган бўлса, таълим муассасаси уни беш ёки ундан кўпроқ талабага бўлиб бериш имконига эга бўлади. Яъни талабаларнинг истеъдодига қараб, давлат грантлари тақсимланади. Стипендия эса фақат тўлиқ таълим грантини ютган талабаларга тўланади. Ўз ўрнида, давлат грантидан маълум қисмини ютган талабалар унинг фойизига қараб контракт тўловини амалга оширади. Танлов жараёни ҳар йили тақдорланиши талабалар ўртасида рақобатни кучайтиради.

Юқорида иجتимоий-иқтисодий масалаларнинг барчасига таълим орқали ечим топилиши ҳақида айтган эдик. Мазкур фармон билан миллий кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган янги давр бошланапти. Фақат буни тўғри тушуниш, амалиётга таъбиқ этила олишимиз, вазифаларни ўз вақтида бажаришимиз керак.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

БУГУННИНГ ГАПИ



НИМАЛАР САБАБ БЎЛАЁТГАНДИ?

Электр энергиясида табақалашган нархлар борасида келтириляётган далиллар хусусида



Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистонда фойдаланилган электр энергияси учун тўловларнинг янги тарифлари белгиланганига бир ой бўляпти. Ошган нарх бўйича ҳали деярли тўлов қилмадик ҳам. Лекин аксарият истеъмолчилар кейинги ой бошида электр токи ҳаётимизда қанчалик муҳим ва уни нима учун тежаш кераклигини англаб етса, ажабмас. Бинобарин, нархларнинг табақалашган тарзда белгиланишидан асосий мақсад аҳолини узлуксиз

электр энергияси билан таъминлаш ҳамда истеъмол ва тўлов маданиятини оширишдан иборат. Ҳарқалай, мутасаддилар ўзгаришларга ана шундай изоҳу тушунтиришлар берганди.

етказиб беришда йўқотишлар 20 фоизгача бўлмоқда. Ваҳоланки, ривожланган давлатларда бу миқдор 7-8 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, охириги йилларда жуда кўп қурилиш ишлари амалга оширилди, янги турар жойлар бунёд этилди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда, 2017-2023 йилларда 351 минг 786 та хонадонли 8405 та кўп қаватли турар жой қурилиб, фойдаланишга топширилган. Биргина ўтган йилнинг ўзида 84 минг 417 та хонадонли 1893 та кўп қаватли уй-жой барпо қилинган.

Мутахассислар шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратади. Уларнинг ҳисобича, ҳар бир квартиrada ўртача 3 та хона, ошхона, ҳаммом, ҳоҷатхона, балкон бор. Ҳар бирига энг тежамкор бўлган 12 ваттлик чироқ қўйилган бўлса, бир соатда 84 Вт, бир суткада ўртача 8 соат ёқилганда ҳам 672 Вт электр энергияси сарф бўлмоқда. Агар бу рақам 351 минг 786 тага кўпайтирилса, аҳоли шунчаки уйини ёритишга бир ойда 2016 йилдагига нисбатан қўшимча 7,1 миллион кВт/соат электр энергияси сарфлаётган бўлади. Бир йилга кўпайтирилганда эса мазкур рақам 85,2 миллион кВт/соатга етгади. Бу биргина тежамкор чироқ мисолидаги рақамлар. Бунинг ёнига телевизор, музлаткич, совиткич, микротўқилкичи печь, кир ювчи машинаси, компьютер, ноутбук, планшет, фен, дазмол, мобил телефон сингари электр жиҳозларини



2030 йилгача юртимизда “яшил” энергетика манбаларини 27 гигаваттга етказиш режалаштирилган. Бу ҳар йили 25 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш, атмосферага зарарли ташланмаларни 34 миллион тоннага қисқартиришга хизмат қилади. Бундай савий-ҳаракатлар “яшил” энергетика иқтисодиётимизнинг драйверларидан бирига, чинакам умуммиллий ҳаракатга айланаётганини билдиради.

оладиган одамга 250 кило юк бериб, ундан нолимасдан, эгилмасдан кўтаришини талаб этишга ўхшайди.

Бундай ҳолларга барҳам бериш учун эса тармоқни чуқур модернизация қилиш керак. Аммо бу тизимли ва узоқ вақт талаб қиладиган жараён. Хусусан, 2030 йилга қадар катта кучланишни кўтара оладиган 9885 километр электр

қилиш режалаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бунинг учун 23 триллион 714,8 миллиард сўм талаб этилади.

Қисқаси, узилишларга барҳам беришнинг ягона йўли эскирган тизимни янгилаш ва модернизация қилишдир. Бунинг учун эса соҳага қўшимча маблағ киритиши, аҳолини энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишга ўргатиш керак. Электр ва газ тарифлари ўсиши, бир томондан, тизимни модернизация қилиш учун зарур маблағни жалб этишга ёрдам беради, иккинчи томондан, аҳолини электр энергиясини тежашга ўргатиб боради.

Тугамайдиган манбамиз ҳам бор

Булар нима? Албатта, қайта тикланувчи энергия манбалари — шамол, кўёш нури ва сув. Яъни бугунги ривожланган замонда йirik табиий ва сунъий сув иншоотлари — тўғонлар, сув омборлари, шамол турбиналари/паррақлари ҳамда кўёш панеллари востанисада ёруғлиқни электрга айлантириши мумкин.

Табиий ресурслар захираси чекланган. Давлатларнинг географик жойлашувига кўра қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имконияти ҳам турлича. Ўзбекистонда бу борада катта салоҳиятга эга. Юртимиз ер ости ва устки бойликлари қаторида офтобли осмони, шамолли кенгликлари, тезоқар дарёлари билан ҳам ажралиб туради. Шу боис, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергетика тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли дастур амалга ошириляётганининг яққол далили бўлди.

Кейинги йилларда тармоқда хусусий сектор ва етакчи хорижий компаниялар

фаолиятига қўлай шароитлар яратилди. Улар иштирокида Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар муваффақиятли рўёбга чиқарилмоқда.

Президентимиз соҳадаги келгуси режаларга тўхталиб “Биз бугун амалга оширяётган улкан ишлар энергетика тармоғидаги ислохотларнинг навбатдаги қадамидир. Бу чора-тадбирларни тизимли давом эттириб, рақобатли бозор механизмларига босқичмас-босқич ўтатиш”, деганди.

Умуман, 2030 йилгача юртимизда “яшил” энергетика манбаларини 27 гигаваттга етказиш режалаштирилган. Бу ҳар йили 25 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш, атмосферага зарарли ташланмаларни 34 миллион тоннага қисқартиришга хизмат қилади. Бундай савий-ҳаракатлар “яшил” энергетика иқтисодиётимизнинг драйверларидан бирига, чинакам умуммиллий ҳаракатга айланаётганини билдиради. Зеро, қайта тикланувчи энергия манбалари мамлакатни барқарор ривожлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлилларга кўра, юртимизда кўёш ва шамол энергияси салоҳияти электр энергиясига бўлган ҳозирги эҳтиёжни 10-12 баробар ортиги билан қоплашга етгади. Лекин шундай улкан имконият аёни йиллар давомида ишга солинмаган эди. Кейинги даврга бу соҳага эътибор туфайли “яшил” энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурларга киришилди. Инвесторлар учун жозибадор муҳит яратилди.

Юртимизда бунинг учун инвестиция фаол жалб қилинаётганига сабаб арзон ва экологик тоза қўшимча энергия манбалари яратилди. Муқобил энергия манбалари соҳадаги аксарият муаммоларга ечим бўла олади. Аммо уни истеъмолчиларга етказиш учун ҳам мукамал ва замонавий инфратузилма керак. Уни эса фақат бозор қонуни жорий қилинган ҳолда яратиш мумкин.

Қуруқ гап билан тежамкор бўлиб қолмаймиз

Мутахассислар оддий чироқни муайян вақт давомида ўчириб қўйиш орқали ҳам анча маблағ ва энергияни тежаш мумкинлигини ҳисоблаб берган. Чиндан ҳам агар бугун мавжуд 7 миллион 782 мингта абонентнинг ҳар бири бир кунда 100 ваттлик 1 дона чўғланма лампани 10 соат ўчириб қўйса, бир йилда 2 миллиард 801 миллион 520 минг кВт/соат, 1 дона энергиятежамкор LED лампани кечаси ёқиб қўйишдан тийилганда эса 308 миллион 167,2 минг кВт/соат электр энергияси тежаб қолинади. Шунингдек, бир дона чўғланма лампани замонавий LED лампага алмаштириш орқали ойига 22,4 кВт/соат, йилга эса 268,8 кВт/соат электр энергиясини иқтисод қилиш мумкин. Кўрярсизми, битта амал билан қанча натижага эришиш бўлади!

Агар бундай тежамкорлик аҳоли орасида оммавий тизим оласми?! Жуда аъло иш бўлади. Лекин барчамиз ҳам тежамкорми? Мана шу катта савол. Электр энергияси ҳам масъул, куч ва вақт сарфланади. Шундай экан, аҳоли сарфлаётган ойлик ёки йиллик электр энергияси ҳажмини ўзи мустақил назорат ва таҳлил қилиб боради, ўзига яраша ҳулоса қилса, нур устига нур.

Демокчи бўлганимиз, аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда энергетика инфратузилмасини янгилаш қанчалик муҳим бўлса, истеъмол маданиятини ошириш ҳам шунчалик зарур. Бинобарин, исрофгарчилик шундоқ ҳам электр энергияси етишмаётган бир шароитда барқарорликка салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозир мутахассислар орасида “энергетик менежмент” атамаси оммалашмоқда. Бу нима дегани? Бунга улар “Бир ойда қанча газ, қанча электр энергияси, қанча сув ишлатилми, аниқ жавобга эга бўлишимиз керак. Бекор оқиб ётган сувни беркитиш, шунчаки ёниқ турган чироқларни ўчириб юриш одатга айланиши керак”, дея жавоб беради. Бу ишлар маблағ талаб қилмайди, катта ташвиш туғдирмайди ҳам, шунчаки ҳаммадан бир оз масъулият бўлиш талаб этилади, холос. Нархлар ўзгариши эса одамларнинг электр энергиясидан тежаб фойдаланишига туртки бериши керак.

• кейинги 100 кВт/соат учун — 900 сўмдан ёки 90 минг сўм оширилган тариф бўйича.

Шундай қилиб, 900 сўмлик тариф бутун миқдор учун эмас, фақат ижтимоий меъёрдан ошиб кетган ҳажмга қўлланилади.

Албатта, истеъмолчиларда ҳақли савол туғилиши мумкин: нима учун табақалаштирилган тариф жорий этилди?

Тарифни бундай шаклда ошириш энергетика тизимини учун ҳаётини зарурат эди. Сабаби, генерация, тақсимлаш каби жараёнларда эскириш бор. Бу бевосита электр энергияси тўловлари билан ҳам боғлиқ масала. Қолаверса, тизимда 100 мингдан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Уларнинг иш ҳақи ва эҳтиёжини қондириш учун ҳам маблағ зарур бўлади.

Усувчи коэффициент қўлланилишига келсак, электр таннархини бозор механизмлари асосида жорий этиш ўтган йилдан бошланган. Хусусан, улгуржи истеъмолчилар учун тарифлар таннархга тенглаштирилди. Жорий йил 1 майдан бошлаб эса аҳоли учун табақалаштирилган тариф бевосита таннархга яқинлаштирилди. Ваҳоланки, шу пайтгача ўртадаги тафовут давлат бюджетидан қопланарди. Бу механизмнинг шу тарзда ишлаши тизим корхоналарининг молиявий ҳолати ёмонлашуви ҳам олиб келди.

Дарҳақиқат, бугунги узилишларнинг асосий сабаби тармоқлар ҳаддан ташқари эскирганида. Яъни юртимиздаги мавжуд электр ускуналарининг 40 фоиздан ортинги иш муддатини ўтаб бўлган. Айнан шунинг учун ўта совақ ёки жазирама иссиқ об-ҳаво шароитида электр токи ўчиб қолаверади. Бу эса ҳақли эътирозга олиб келади. Тармоқлар эскириши туфайли электр энергиясини истеъмолчи

Янги тарифлар қай тарзда ҳисобланади? 300 кВт/соат электр энергияси истеъмолчи мисолида бундан кўриб чиқсак. Шу пайтгача абонентлар мазкур ҳажмдаги электр энергияси учун 88,5 минг сўм — 1 кВт/соат учун 295 сўм тўларди. 1 майдан бошлаб 180 минг сўм тўлаш керак бўлади:

- базавий тарифнинг 200 кВт/соати учун — 1 кВт/соат учун 450 сўмдан 90 минг сўм;
- кейинги 100 кВт/соат учун — 900 сўмдан ёки 90 минг сўм оширилган тариф бўйича.


Шундай қилиб, 900 сўмлик тариф бутун миқдор учун эмас, фақат ижтимоий меъёрдан ошиб кетган ҳажмга қўлланилади.

ҳам қўшсак, фарқ бир неча юз миллион кВт/соатга кўпаяди. Тадбиркорлик фаолияти ривожланиётгани, катта-кичик ишлаб чиқариш субъектларини пайдо бўляётганини инобатга олсак, миқдор янада ортиб кетаверади.

Табақалашган нархларда тўлаш масаласи кўтарилганда аҳолида турли фикрлар, эътирозлар бўлгани бор гап. Лекин бугун барибир шундай ҳулосага келинди. Бунинг мутасаддилар йиллар мобайнида электр энергияси ва табиий газ таннархи қиммат бўлишига қарамай, истеъмолчиларга арзон етказиб берилгани билан изоҳланди. Шунингдек, субсидиялаш тизимига адолатсиз ёндашув энергия таъминотидаги бекарорликка сабаб бўляётган асосий омиллардан бири эди.

Республика бўйича истеъмолчиларга электр энергияси ва табиий газ учун 14 триллион сўмдан ортиқ субсидия берилляпти. Бу жуда катта сумма ва уни соҳани модернизация қилишга сарфлаш орқали аҳолининг электр энергияси ҳамда табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш мумкин.

Яна бир жиҳати, бундан 30-40 йил олдин битта трансформатор ҳудуддаги уйларда ёқилганда ўртача 3-4 мингта чироқ, ҳар битта хонадон учун эса битта телевизор, битта чанготкич ва битта музлаткич ҳисобга олиниб ўрнатилган. Бугун ўша трансформатор 10-15 мингта чироқ, аксарият хонадонларда 3-4 та телевизор, 2-3 та музлаткич, совиткич, бир неча маиший техника ва бошқа замонавий электр жиҳозлари учун электр энергияси етказиб берапти. Бу худди 50 кило юк кўтара



симлари ва умумий қуввати 37 минг 290 мегаватт-ампер бўлган 53 та подстанция қурилиши белгиланган. Шу билан бирга, 2024-2030 йилларда республика ҳудудларида 0,4-110 киловольт кучланишли тақсимлаш электр тармоқларини янгилаш ҳамда модернизация қилиш дастури бўйича 93 минг 124 километр электр узатиш тармоғини, 20 минг 521 та трансформатор пунктини ҳамда 804 та подстанцияни янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция



Уйғоқ фикр

Бутун инсоният каби жаҳондаги ҳар бир халқ ва миллат ҳам ўзининг тараққиёт тонгига қараб интилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАРАҚҚИЁТ ТОНГИ

Дунёдаги халқлар, давлатлар ривожиди янги куннинг бошланиши ҳаминиша файзли ва тароватли



Субҳидам... Зулмат пардалари аста-секин сурибли, олам ёруғликка чулғана бошлайди. Осмонда оқ кемалардек сузиб юрган паркун булутлар орасидан аста юз очаётган қўёш нурулари бора-бора ёрқинлашиб, бутун оламни нурафшон этади. Она замин узра гиламдек тўшалган яшил майсалардан то гулқираб барқ ураётган, қушларнинг чуғури тутиб кетган қадрдон боғлар, осмонга бўйлашиб, янги кунга таъзим қилаётган азим чинорлар, бағрида кизгалдоқларни аллаб, уфққа қадар ястаниб ётган қир-адирлару мағрур паҳлавонлардек кўкрак кериб турган, содиқ дўстнинг елкасидек пурвиқор тоғларгача шу офтобнинг нуридан баҳра олади. Заминдан ўз ризқини тараётган чумолидан тортиб, инсониятга қадар шу нурга, ёруғликка интилиб яшайди. Япроқлар юзига кўнган биллур шудринлар ҳам қўёш жилоси олдида томчиларга айлиб тўкилади, кундуз тантанаси олдида бутун коинот бош эгади.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор



Тонг отар. Лоларанг уфқда кўзим, Сукут оғушида тин олар кўеи. Ушбу сатрларда ҳам Ўзбекистон Қахрамони, халқ шoirи Эркин Воҳидов тонгни энг нафис сўзлар билан тараннум этар экан, кўз ўнгимизда сукут оғушида тин олаётган қўёш тинимлида тинчлик сурури билан хотиржам яшаётган одамлар ҳаёти, сокин кўчалар, қадрдон маҳаллалар гавдаланади. Ҳа, бизни қарши олаётган тонгни олам, аслида, шундай музаффарлик билан кутиб олади. Қора тун чангалида зиё истаб азорланган коинот зимистон туктунидан халос бўлар экан, юзи анордек қизариб, қўёшдан лалъ тус олади ва табиат ширин энтикади. Ниҳоят табиат уйғона бошлайди. Янги куннинг ёрлиги бўлган субҳидам элнинг ўзидек тоза, қалбидек тиниқ булоқлар, келинчак табассумидек беғубор, улуглар дуосидек муқаддас тупроқ, она қафтидек иссиқ масканин кўзи қийиб ташлаб кетмайди, узоқ туриб қолади. Бу дийдор англатадики, бизнинг юртта тонглару субҳидамлар зебу зийнатдек ярашади. Биз илдишлари минг йиллик сарчасмалардан обихаёт смирган, асрлар силсиласида тобланиб, ўз даврида дунёга эгаллик қилган, жангларда жасорат алангасини ёққан, оловлар-

да ёниб, қақнус каби ўз қулидан қайта яралган, орияти тоғ, баҳодирларга бешик тутган, хурият тонгларини минг тун аро умидвор кутган замин фарзандларимиз. Ҳар бир қоронги тундан оппоқ тонгни асраган, қўёшга елка тутган, навқирон ва барҳаёт миллатимиз! Қадриятларимиз, аъналаримиз, тарихимиз, маънавий меросимиз, асплатимизнинг авлоддан авлодга бос-бутун етказиши масъулиятини олган илдишларимиз. Осуда осмон остида отаётган ҳар тонгига, ўтаётган ҳар кунига шукрона қилиб яшаётган нурунийларимиз, саҳармардонни тандирдан чиқиб, икки юзи ширмоидек қизариб, бир

сават иссиқ нон билан қаршилаётган онажонларимиз, қўёшдан олдин туриб, кўча юзини тонгга саришта кўрсатаётган келинларимиз, қўли кўксига "Ассалому алайкум", дея миллат тарбиясини намоён этаётган ёшларимиз, халқимизнинг файзга ва меҳрга тўла дастурхони — буларнинг барчаси янги Ўзбекистон субҳидамининг гўзал чизилари.

Мамлакатимиз узра янги тонг, янги давр нафас таралиши, халқимизнинг узоқ давом этган қарамлик уйқусидан уйғониши юрт осмониди мунаввар тонгларнинг ота бошлаганидан дарак берса ҳам, аслида, офтобни беркиб турган қора булутларнинг буткул тарқалиши учун чорак аср вақт кетди. Бу давр мобайнида ўрғимчак тўридек чирмаган қўрқув, берлик каби деворлар парчаланиб, ўзбек халқининг кўксига ниҳоят эрк шабадаси тегди.

Минг шукрки, бугун мамлакатимизда юртилаётган оқилона сиёсат шарофати билан сурурли кунлар, чинакам мунаввар тонг лезати халқимизга насиб қилди. Манглайимизда порлаб турган толе қўёши бугун йўлимизни ёритиб, ёруғ манзилларга чорламоқда. Шу паллада Ўзбекистон Қахрамони, халқ шoirи Абдулла Ориповнинг кўйидаги мисралари шууримизда аста пичирлайди:

Ҳой оппоқ тонг, латобатинг тонг, Сен гулшанга гул бўлиб қўндинг.

Дарҳақиқат, бу гулшанга гул мисоли ярашган тонг энди боғу бўстон бунёд этмоқда. Зеро, бу тонглар шунчаки отган тонглар эмас, улар учун минглаб юраклар тутилган, миллионлаб умидлар тикланган. Бу фараҳбахш кунларга етишни орзу қилган, хурият тонгларига етмоқ учун жонини тиккан жадидлар ҳам, аслида, шу субҳидамларнинг насимлари, десак айни ҳақиқат бўлади.

Қаттол даврлар бухронини ёриб чиққан янги ҳаёт тонги, миллат қалбини иситган маърифат қўёши, ёруғ кунларни жасорат билан етаклаб келганлар шу юртининг пешонасида ярақлаган толе юлдузидир. Шу боис, элга хизмат қилиш шу ватанга дахлдор ҳар бир инсоннинг асосий мақсади, маслагага айланди.

Бугун юртининг ҳар қадамида ўзгариш, янгиланиш... Энди шу ўзгаришлар тўлқинида одамларнинг ўз келажагига, эртанги кунига муносабати ўзгарди. Ҳаётга, унб-ўстган заминга муҳаббати, жамиятга эътибори ошди. Инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият эканини қалбдан ҳис этдики. Демакки, янги Ренессанс оstonасида давр ва макон, мақсад ва бурч, ислохотлар ва самара, етакчи ва елкадошлар бирлиги — янги Ўзбекистон мафқурасида жамулжам бўлди. Мана энди халқимиз ёруғ кунлар ичра яшамоқда ва яшамоқда. Орта бир он назар солар эканмиз, нечоғлиқ парвоз қилганимизни беихтиёр англаб, дилдан шукроналар келтираемиз. Ҳаётимизда субҳидам бошланди.

Бу тонглар қадрига етиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Бу борада ёшларимиз, айниқса, ташаббускор бўлмоғи лозим. Учунчи Ренессанс бунёдкорлари бўлган ўғил-қизларимиз шу мушоҳадалар орқали қалблари тугёнланиб, ҳаётда юксак марраларга эришиш учун тинимсиз меҳнат, қатъият ва шижоат, фидойилик, илму маърифат, садоқат ва етук тарбияни жисму жонларига муҳассам эмас, қўёш энг покиза субҳидамларни миллатга бахшида қилаларери, мунаввар тонглар отаверари...

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

Уларнинг истеъдодини юзага чиқаришда Президент мактаблари локомотив ролини бажармоқда

Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Жалолиддин Абдумўминов IELTS, яъни халқаро инглиз тили имтиҳонидан 7,5 балл, 1600 баллик халқаро SAT имтиҳонидан эса 1510 баллни қўлга киритди. Бу баллар унга хорижий ТОП университетлар қаторида турувчи бир неча олийгоҳ грантини ютиб олиш имконини берди. Улар орасида Жанубий Кореянинг Улсан миллий фан ва технология институту (Ulsan National Institute of Science and Technology) эса ўқувчига 100 фоизли грант тақдим этмоқда.



Мазкур институт дунё бўйича "QS World University Rankings" рейтингиди юқори поғоналарни эгалаб келади. Олийгоҳда ўқишнинг мақсади диплом дунёнинг барча мамлакатларида қабул қилинади. Ёш иктидор эгаси бу ерда кимёвий муҳандислик соҳаси бўйича таълим олмоқчи.

— Инглиз тили ва математика бўйича билим ҳамда кўникмаларини мустаҳкамлашда устозларнинг заҳматли меҳнати бор, бунини алоҳида эътиборга олам, — дейди Жалолиддин. — Мактабимизда таълим олиш, назарий билимларимизни амалиёт билан мустаҳкамлаш, ўзаро мулоқот маданиятини шакллантириш, бўш вақтимизни мазмулли ўтказиш — барчаси учун шартлар мавжуд. Кимё фанига қизиқишимиз сабаб келажакда бу соҳани мукамал ўқиб-ўрганмоқчиман. Мақсадим — мамлакатимизда кимё сонаоти тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш, нефтни қайта ишлаш жараёнини такомиллаштириш. Мазкур янги конларни ўзлаштириш, мавжуд технологик қурилмаларни такомиллаштириш орқали импорт қилинадиган маҳсулот миқдорини камайитиш имкониятини беради. Бу иқтисод аҳоли фаровонлигига ижобий таъсир қилади.

Муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди, албатта. Унинг ортида изланиш, ўқиш ва устозларнинг самарали меҳнати муҳассам. Жорий ўқув йили якунига кўра, Фарғона шаҳридаги Президент мактабиди 11-синфда тахсил олаётган 24 ўқувчининг деярли барчаси ҳозирданок 50 дан ортик нуфузли хорижий университетда ўқиш ҳуқуқини берувчи грант голиблари бўлди.

— Бизда 5-синфдан 11-синфга қадар 168 ўқувчи тахсил олади, — дейди мактаб директори Обидхон Мўминов. — Ўқув жараёни Кембриж университети дастурлари асосида инглиз тилида тахсил олинади. Жорий ўқув йилида 11-синфни битираётган ўқувчиларимизнинг барчаси юқори кўрсаткич

билан нуфузли халқаро таълим муассасаларида ўқиш учун йўланмаларга эга бўлди. Ёшларнинг IELTS тил билиши даражаси ўртача 7 балл, 1600 баллик халқаро SAT — инглиз тили ва математикани билиш даражаси 1406 баллик кўрсаткичда қайд этилди. Ўқувчиларимиз халқаро ва республика миқсиди бўлиб ўтаётган кўрик-танлов, фан олимпиадаларида ҳам фаол. 9-синф ўқувчиси Мухаммадосиф Мўминов 26-28 май кунлари Боку шаҳрида туркий тилда сўзлашуви давлатлар ўқувчи ёшлари ўртасида иқтисодиёт йўналишида бўлиб ўтаётган халқаро Олимпиадага йўлангани кўлга киритди. Сардор Анаваров ҳамда Гулнораҳон Собиржоновна халқаро иқтисодиёт олимпиадаси саралаш бешлиқларининг республика босқини иштирокчисига айланди.

Мактабда дарслар замонвий технологиялар ёрдамида кўргазмали висталар, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро мулоқотларига таянган ҳолда ўтилади. Бу фанларни чуқур ўзлаштириш, назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштириш, ёшлар тафаккурини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ўзлаштириши юқори ўқувчилар бошқа тенгқурларига "Дўстона ёрдам" лойиҳаси асосида кўмак беради. Бу ёшларни ҳамжиҳатликка чорлаши, фанларни ўзлаштириш билан боғлиқ мавжуд муаммолар ечимиди қўл келаётгани билан эътиборли. Асосий фан ва спорт тўғрақлардан ташқари корейс, немис тилини ўрганиш, дипломатия ўқув курслари ҳам йўлга қўйилган.

— Бу ерда ҳар жиҳатдан фаол лидер болалар тўпланган, — дейди мактаб психологи

Равшанбек Ҳакимжонов. — Бизнинг асосий вазифамиз уларнинг иктидори, имкониятини янада ошириш, ўзига ишончини мустаҳкамлаш. Шу мақсадда ҳар бир боланинг "Мақсадлар дафтарини" ташкил этганимиз. Улар кунлик иш режалари ва мақсадларини дафтарга қайд этиб, кун охирида ижросини таҳлил қилиб боради. Бу ўқувчиларда вақтинги қизиқарли ўтказиш, кунини тўғри тақсимлаш кўникмасини шакллантиради. Шунингдек, "Лидерлар кунини" тизимини жорий қилдик. Бунда ҳар бир бола ўзининг бошқарув қобилияти, билим ва кўникмаларини мактабдаги амалий жараёнларда иштирок этиш орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Мактабда олти мингдан ортик китоб фондига эга замонвий кутубхона бор. Робототехника тўғрагида ўқувчилар гоёси асосида тайёрланган техника ва қурилмаларга алоҳида ўрин ажратилган. Турли тилларда мулоқот қилувчи "темир одамлар", "ақли иссиқхона", машина ва бошқа механизмлар, ногиронлар учун мўлжалланган стул ва ҳасса, электр энергияси сарфини тежовчи "ақли уй", сув олиш ва юк кўтаргич сингари қурилмалар ёшлар ижодиёти махсули. Улар ўз ишланмалари билан электротехника ижодиёти кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

— Ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқи, интилиши жуда кучли. Мавзуларни тез ўзлаштириди, изланишдан чарчамайди, — дейди

филлиппинлик биология фани ўқитувчиси Ширлей Родофо Торрес. — Уларга замонвий билимлар бераётганимдан хурсандман. Ҳаммаси билан дўстона муносабатдадими. Ёшларнинг фанларни ўзлаштириш, мулоқот маданиятини бойитишга қизиқиши жуда юқори. Ҳафта давомида улар билан бирга яшаймиз, ўқиб-ўрганамиз.

— Жисмоний чиниқиш ақлий имкониятларимизни оширишга хизмат қилади, — дейди 11-синф ўқувчиси Вазира Мирзахўжаева. — Дарсдан бўш вақтларимизда спорт билан шугулланиб, жисмоний фаоллигимизни ошириб бораемиз. Бу бизни иқодкорлик, ўз фикри, иктидорини эмин-эркин намоён қилишга ундайди. Ҳар бир ўқувчининг ўз мақсади, интилиши бор. Менинг мақсадим — иқтисодиёт соҳасида халқаро олийгоҳда ўқиш.

Президент мактаблари ташкил этилиши интилуван, янги билимларни ўзлаштиришга қизиқиши баланд истеъдодли ўқувчиларга кенг имкониятлар яратиб берди. Юртимиздаги мактабларнинг локомотивига айланган бундай таълим масканларида ватанимизнинг олтин фонди, дея таърифланган ёшлар юрт раванқи, шон-шухратини юксакларга кўтариш йўлида билим ва салоҳиятини намоён этиб келмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Замондош

Вазир жамғармасидан ҳар ойлик устамага номзод бўлган навоийлик педагогларнинг 63 нафари белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтди. 2023-2024 ўқув йили якунланган вақтда бу хабар Навоий вилоятидаги таълим тизими ходимларини яна бир қарра қувонтирди. Сабаби, вилоятда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги жамғармасидан ҳар ойлик устама тўланадиган малакали педагогларни саралаш жараёнидан муваффақиятли ўтаётган ўқитувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Ушбу малакали педагог кадрларга 9 ой давомида меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам — 5,5 баробари миқдориди устама тўланади. Бу эса ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш билан бирга ҳудудларда таълим сифатининг янада ошишида муҳим ўрин тутаяди.

1000 ДОЛЛАРДАН ЗИЁД МАОШ ОЛАЁТГАН ЎҚИТУВЧИ

Соғлом рақобат ва меҳнатга яраша муносиб рағбат бор жойда ўсиш бўлади. Бугун ўқитувчиларни қизиқтириётган, ўз устиди янада кўпроқ ишлаш, изланиш, таълим сифати ва ривожига катта ҳисса қўйиш, ўқувчиларни ютуқларга эриштиришга ундаётган рағбатлардан бири вазир жамғармаси устамасидир. Турли тоифа, халқаро сертификат ва вазир устамаси каби ютуқларни қўлга киритган педагоглар 1000 АҚШ долларидан зиёд маош олмоқда. КониMex Навоий вилоятининг энг олис ҳудудларидан. Алижон Жўраев қўшин Бухоро вилоятидан келиб, бугун туман марказидан 150 километр масофада жойлашган 23-мактабда инглиз тили фанидан дарс бермоқда. — Ўқитувчи моддий жиҳатдан муҳтож бўлмаса, асосий эътиборини таълимга қаратади. Бунини мен ҳам фаолиятимда ҳис қиламан, — дейди у. — Тоифа ва халқаро сертификатга эгаман. Олис ҳудудга келиб ишлаётганим учун устама ҳам оламан. Бугун ойлик маошим 1000 доллардан ошади. Биз ҳам шу рағбатга муносиб бўлиш учун астойдил меҳнат қилаемиз. Ўқувчиларимиз орасида фан олимпиадаси ва бошқа танловларда фахрли ўринларни эгаллаётганлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Ўқув йили якунланган экан, турли халқаро ва миллий сертификатлар олиб, юртимиз ёки хориждаги олий таълим муассасаларига мuddатидан олдин ўқишга кириб, талаба бўлаётган ўқувчилар ҳақидаги хабарларга тез-тез кўзимиз ташмоқда. Булар бари таълим тизимидаги ислохотлар самарасидир. Бу борада Қизилтепа тумани ҳам етакчи ҳудудлардан. Жорий ўқув йилида тумандаги биргина 5-мактабнинг 70 ўқувчиси халқаро ва миллий сертификатга эга бўлган ҳам фикримиз тасдиғидир. Айни вақтда ушбу мактабда 2 мингга яқин ўқувчи тахсил олади. Бу йил 84 битирувчидан 7 нафари давлат, 24 нафари нодавлат олий таълим муассасаларига мuddатидан олдин талабалikka тавсия этилди. Устозларнинг таълим тизимидаги машаққатли меҳнати ёшлар эришаётган натижаларда яққол намоён бўлаётди. Ушбу таълим масканида фаолият юриётган Нигора Аслонова тугалланган ўқув йилида АҚШ элчихонаси ўтказган танловда голиб бўлиб, океанорти давлатда қирқ кун малака ошириб қайтди. — Бу жараён мен учун катта тажриба мактаби бўлди. Хорижий мамлакатларнинг таълим тизимидаги замонвий ва илгор услубларни



ўргандим. Ушбу йўналишлар, ўзлаштирган билим ва кўникмани ҳамкасбларим билан ҳам ўртоқлашдим, — дейди 5-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Нигора Аслонова. — Ҳозир педагогик фаолиятимда самарадорлиги юқори бўлган замонвий услубларни татбиқ этияман. Албатта, бунинг натижаси сезилапти. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи анча

ошган. Таълим сифатини босқичма-босқич юқори даражага олиб чиқиш устиди тинмай изланилмай. Қизилтепа туманидаги иختисослаштирилган мактаб ҳам таълим сифати ва ўқувчилар эришаётган ютуқлар бўйича нафақат вилоятда, балки мамлакатда ҳам етакчи ўринларда туради. Мазкур мактаб ўтган ўқув йилида битирув-

чилари 100 фоиз олийгоҳлар талабаси бўлгани билан ҳам эътиборга тушган эди.

— Мактабимизда 50 га яқин малакали педагог 300 дан зиёд ўқувчига таълим бериб келмоқда. Ўқитувчиларимизнинг барчаси тоифа, миллий ва халқаро сертификатларга эга, — дейди Қизилтепа туманидаги иختисослаштирилган мактаб директори Меҳринисо Ҳолова. — Ўқувчилар учун барча замонвий имкониятлар яратилган. Шунга яраша самарадорлик ҳам юқори. Фан олимпиадалари, турли танловларда ютуқлар мунтазам қўлга киритилмоқда. Баъзи ўқувчилар хорижий тиллар бўйича халқаро сертификатга эга. Утган йили барча битирувчиларимиз ОТМларга ўқишга кирди. Бу йил ҳам ушбу юқори натижани такрорлашни мақсад қилганмиз.

Жорий ўқув йилида Навоий вилоятидаги умумий ўрта таълим мактабларини 11 минг 700 дан зиёд 11-синф, 17 мингга яқин 9-синф битирувчиси муваффақиятли тамомламоқда. Уларнинг 624 нафари олтин, 34 нафари кумуш медалга лойиқ қўрилди. 730 дан ортик битирувчи мuddатидан олдин талабалikka тавсия этилди. 2138 ўқувчининг халқаро ва миллий сертификатларни қўлга киритгани ҳам вилоятда ўқитиш сифати юксалиб бораётганидан далолат.

Бугун таълим тизимидаги ислохотлар, яратилган имкониятлар, замонвий шартлар ўқитувчиларнинг ўз ишидан мамнун фаолият юритиши, ўқувчиларнинг эса сифатли таълим олишига хизмат қилмоқда. Таълимга беришган эътиборнинг юксак самараси эса бугунги эришилаётган ютуқларда намоён.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

2024 йил 28 май, 103-сон



Гояга қарши гоя

Мультфильмлар таъсирида улғаяётган болалар

Бир манбада “Гоя ишлаб чиқаришга сарфланган бир доллар қиймати бомба ишлаб чиқаришга сарфланган юз долларникидан ортиқ”, дейилган. Ҳеч бир тамойил билан бу иддаони инкор қилолмаймиз. Сабаби, дунё саҳнида кечаётган можаролар, геосиёсий, миллий, диний ва ирқий адоватлар ташвиқотга айланган гоя ва мафқуралар таъсирида содир бўлмоқда.



— Анимация — дунёда талаб юқори бўлган касблардан бири. Ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши бу йўналишга талаб билан бирга, соҳа эгалари зиммасидаги масъулиятни ҳам оширди. Елкамизга ёш авлод учун миллий контентга асосланган, қадриятларга қурилган мультфильмларни кўпроқ яратиш, миллий маҳсулотларимизни кўпайтириш юки тушди. Ёшлигимдан мени мультфильмларнинг қандай яратилиши кўпроқ қизиқтирарди. Шу жиҳат аниматорликни эгаллашimgа сабаб бўлган. Компьютер ўйинларига қизиқиш ортдан 2016



йили жамоа йиғиб, курс очганмиз. 2018 йили “Авто саргузаштлар” мультфильмини суратта олдик.

Бу соҳанинг мураккаб жиҳатлари жуда кўп. Аниматор сабрили киши бўлмас, қийналади. Мультфильмнинг яратилишига келсак, Ўзбекистонда 15-20 мутахассис билан беш-олти ойда 10 дақиқалик мультфильм ишлаш мумкин. Кўп қисми мультфильм бўлса, мисол учун, 6 сериянинг биринчиси 5 ойда битса, олтинчи серияси 1 ойда тайёр бўлиши ҳам мумкин. Ишлаб бўлганга тушиб олгандан сўнг осонлашиб бораверади.

Чет элда машҳур мультфильмлари яратиш учун мўмайгина пул кетади. Мисол учун, 1,5 соатлик мультфильмни тайёрлашга ўртача 200 миллион доллар сарфланади ва тахминан икки йил ишланади. Бунинг учун 500 га яқин

мутахассис жалб қилинади. 10 дақиқалик мультфильмнинг бир дақиқасини ишлаш учун 100-200 миллион сўм атрофида харажат қилинади.

— Анимация соҳаси Ўзбекистонга қизиқ келганига ярим асрдан ошди. Бу вақтда ўзига яраша ютуқларга эришилди. Аммо ҳали-ҳануз чет эл мультфильмларини болалар кўпроқ томоша қилмоқда. Бунинг сабаби нимада?

— Бугун ҳар бир бола интернет орқали ўзига ёққан мультфильмни томоша қила олади. Афсуски, анимация соҳасида ютуқлар билан бир қаторда камчиликларимиз ҳам мавжуд. Ушбу бўлишни тўлдириш учун Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари

талаб доирасидан чиқолмайми. Бу ишни мутахассисга қўйиб бериш керак. Узи удралайди. Шунинг учун ижодий эркилик зарур.

Хусусий студиялар учун мультфильм буюртмаси мураккаб жараёнга айланган. Бу мураккаблик ўрнига соҳани қандай ривожлантириш хусусида бош қотирсак, яхши бўларди.

Хорижда аниматорлар ўзи яратган мультпликация қаҳрамонларини сотади. Шунинг ортидан даромад олади. Ўзбекистонда эса интеллектуал мулкни муҳофизат қилиш тизими ҳозирча мукамал эмас. Бирор студия яратган қаҳрамонни бошқа студия бемалол ўзлаштиради. Мисол учун, биз яратган мультфильмларнинг маҳаллий телеканаллар шартнома тузмасдан, эфирга бериб юборган ҳоллар ҳам кўп учрайди. Оқибатда муаллиф студия ҳеч қандай даромадга эга бўлмайди.

— Бугун ўзбек миллий характери, аниқроғи, миллий қаҳрамонларни яратиш ва омалаштиришга қанчалик аҳамият берилляпти? Хусусий студияларда бу каби буюртмалар борми?

— Ижтимоий тармоқларда мультфильм тарбия бериши шарт эмас, деган фикрларга ҳам кўзим тушиб қолади. Мен эса бунга қўшилмайман. Болалар учун мўлажалланган аксарий телеканалларда хориж мультфильмлари берилмоқда. Яъни миллий қадрият ва маданиятимиз ўрнига ёт гоғлар синдирилмоқда. Ёш авлодмиз миллий қадриятларга мувофиқ тарбияланганини хоҳласак, нафақат тарбиявий, балки гоғвий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга мультфильмлар яратишимиз керак. Ёшлиқда берилган билим тошга ўйилган нақдидир, деб бежиз айтишмаган.

Миллий характерга эга анимацияларни яратишга биргина ижодкорнинг кучи етмайди. Миллий қаҳрамон битта мультфильмда пайдо бўлмайди: тарихий ва замонавий одамлар, робот ёки жониворлар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Энг муҳими, мультфильм қаҳрамони орқали болалар нимадир ўрганиши керак.

Бу соҳага қанча кўп эътибор қаратилса, тарғибот-ташвиқот қилинса, болани ташқи таъсиридан асраш орқали миллий қадриятларга ўрганган авлод шаклланиши тезлашади. Шунда бизнинг маънавий қиёфамизга ҳеч қандай ташқи омил таъсир қилолмайди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Сардор ТОЛИБОВЕВ сўхбатлашди.

Шукуҳ МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЎЧОФИГА АЙЛАНГАН МАСКАН

Бу йил “Бўзатов FEST” танловида 248 мингдан зиёд ёш иштирок этди

2020 йили давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг барча юлдузларини Бўзатовга олиб келадиган йирик лойиҳага асос солиш ташаббусини илгари сурган эди. Ушбу эзгу ташаббус натижасида ташкил этилган “Ёшлар овози — Бўзатов FEST” республика танлови энг иқтидорли санъат юлдузларини қорақалпоқ заминида бирлаштира олди.

“Бўзатов иқтидорларни кашф этади!”. Ушбу шпор остида ташкил этилган танлов 2021 йилдан буён “Беш ташаббус” олимпиадаси доирасида ўтказилиб, минглаб иқтидорли ёшларни кашф қилмоқда. Танловда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча Ўзбекистонликлар иштирок этиши мумкин.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан юқори савияда ўтказиб келинаётган санъат байрамида 2021 йилда 10 минг йигит-қиз иштирок этган бўлса, жорий йилда фестиваль доирасидаги танловларда 248 мингдан зиёд ёш қатнашди. Уларнинг 158 нафари маҳалла, сектор, туман (шаҳар), ҳудудий бошқичларида бахшчилик, анъанавий ижро, опера ҳамда эстрада йўналишида гоғлибликни қўлга киритиб, Қорақалпоғистон заминида “Ёшлар овози — Бўзатов FEST” республика танловига жамланди.

Бу йилги танлов кўлами, иштирокчилар сони, ҳатто бошқичлари билан ҳам аввалгиларидан фарқланади. Танлов низомига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, республика бошқичи финал ва супер финалга бўлинди. Дастлабки саралаш бошқичида ҳар бир

ҳудуднинг энг кучли ёшлари супер финал учун беллашди. Ҳар бир йўналиш ва ёш тоифасида энг юқори балл тўплаган беш иштирокчи супер финал баҳсида саҳнага чиқди.

— Четдан қараганда, иштирокчиларни баҳолашда қийинчилик йўқдек, ҳаммаси оддийдек туюлиши мумкин. Аслида, шундай вазиятлар бўлдики, иштирокчиларнинг баллари тенг келиб қолганда, санъатнинг нозик жиҳатларига ҳам эътибор қаратиб, энг профессионал ёшларимизга устуллик бердик. Хусусан, ижронинг тозаллиги, равонлиги, тингловчига қай даражада етказиб бера олганига қараб баҳоладик, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти, танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоси Муножат Йўлчиева. — Мутахассис сифатида яна бир жиҳатни айтишимиз керак. Иштирокчи ёшларимизда санъатга қизиқиш, гоғлибликка интилиш жуда кучли. Шунинг учун улар катта асарларни танлаб ижро этипти. Айниқса, опера ва мақом йўналишларида. Тўғри, улар бундай ашулаларни ҳайратомуз тарзда ижро қилляпти, лекин ўзлари билмаган ҳолда овоз пайларига зиён етказиб қўйишдан чўчиб турдим.



“Ёшлар овози” танлови ёшларнинг келгуси ҳаётида трамплин вазифасини ўтамоқда. Фестиваль гоғлиблари Ўзбекистон ва дунё саҳналарида ўзини кўрсатишга эришмоқда. Масалан, 2023 йил 19-22 май кунлари “Ўзбекистон маданий мероси” лойиҳаси тақдими доирасида танловнинг 2022 йилги мавсуми гоғлиблари (11 нафар) тажриба алмашиш учун Италиянинг Пе-

зоро шаҳрида чиқишлар қилиб, машҳур хонанда ва созандалардан маҳорат дарслари олди.

Гоғлиблар орасида Зулфия номидаги, “Нихол”, “Келажак бунёдкори” каби давлат мукофотлари эгалари ҳам бор. Эътиборлиси, бундай иқтидорли ёшлар туфайли танлов нуфузи янада юксалиб, бошқа ёш истеъодларни ўзига жалб этмоқда.

— Президентимиз Қорақалпоғистон халқига, хусусан, унинг ёшларига жуда катта эътибор ва меҳр билан қарайди. Фестивалга асос солинишига ҳам шу эътибор сабаб бўлди, десам адашмайман, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор Алишер Саъдуллаев. — Бунинг натижасида бугун Бўзатов ўзига хос санъат ва маданият марказига айланмоқда. Ҳар йили минглаб ёшлар шу ерда йиғилиб, ўз истеъодини намойиш этмоқда. Ушбу лойиҳа келажакда янада омалашши, уни бутун жаҳон санъат ихлосмандлари кузатишига ишонаман. Чунки танлов тизимли равишда тақомиллаштирилиб, гоғлибларни рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилган. Уч йил давомидида санъат танлови иштирокчилари сони 25 баробар ортгани фикримиз тасдиқидир. Энди Бўзатов номини бутун Ўзбекистон билади. Президентимиз умид билдирганидек, келгусида “Ёшлар овози — Бўзатов FEST” иштирокчиларининг овозини бутун дунё эшитиб, тан бериши учун барча ташкилий ишлар қилинмоқда.

Ушбу нуфузли танловни ўтказишдан мақсад фақат ноёб овоз соҳибларини аниқлаш ва янага совинлар беришдангина иборат эмас. Яъни гоғлибларни қўллаб-қувватлаш шунинг ўзи билан якунига етмайди. Балки келажакда уларнинг санъатини кенг тарғиб этиш, оммага таништириб, санъат юлдузларини камолга етказишдек вазифа белгиланган. Агар бу ишлар тизимли йўлга қўйилмаса, ёшларнинг иқтидори тўлиқ кашф этилмай қолиши мумкин.

— Ёшлар кўни муносабати билан 2022 йилда Президентимиз раҳбарлигида бўлиб ўтган учрашувда Бўзатовда кашф этилган истеъодларни келгусида мунгазам қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ топшириқ берилган эди, — дейди “Менинг юртим” телеканали бош директори Қобилжон Аҳмедов. — Топшириқдан келиб чиқиб, “Менинг юртим” телеканали хузурида масъулият чекланган жамият шаклидаги “Yoshlar ovozi” продюсерлик маркази ташкил этилди. У “Ёшлар овози” танлови гоғлибларининг истеъодини доимий равишда намойиш қилиб бориш, санъат соҳасининг турли йўналишларига қизиқувчи иқти-

дорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижод қилиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида ҳар бир гоғлибнинг уйига бориб, “Бўзатов юлдузлари” кўрсатувини тайёрламоқда. Улар иштирокида турли концерт дастурлари, мусиқий лойиҳалар ташкил этилмоқда.

*** “Ёшлар овози — Бўзатов FEST” республика танловининг умумий мукофот жағмармаси 2,5 миллиард сўмни ташкил этади. Танловда асосий ўринлар эгаларидан ташқари республика бошқичига чиққан ҳар бир иштирокчида 10 миллион сўм пул мукофоти берилади. Ҳозирча мамлакатимизда ёшлар ўртасида бундай нуфузли анъанавий танлов ягона.

Танловнинг 2024 йилдаги мавсуми йўлаб янги юлдузларни кашф этди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари хулосасига кўра, энг юқори балл тўплаган иштирокчиларга барча йўналишлар бўйича 3 та ўрин белгиланиб, 1-, 2-, 3-ўрин соҳибларига мос равишда 50, 30 ва 20 миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Гоғлиблар орасида фарғоналик Лайло Халилова ҳам бор. У фестивалда анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича 16-22 ёш тоифасида 1-ўринни қўлга киритди.

— Танлов жуда ҳажвонли бўлди, — дейди Лайло. — Тўғриси, гоғли бўлишни кутмаган эдим. Устозлар ишонч билдириб, гоғлибликка муносиб кўрганидан миннатдорман. “Бўзатов FEST” ҳаётинда янги саҳифа очди. Бу ерда катта тажриба алмашиб, дўстлар орттирдим. Мени қўллаб-қувватлаб турган барча устозларимга, яқинларимга, маҳалламиздаги ёшлар етакчисига раҳмат айтаман.

Бир сўз билан айтганда, бугун Бўзатов тумани ёш санъат ихлосмандларини бирлаштирадиган янги маданият ва санъат ўчоғига айланди.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1817.
44034 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамкулов
Мусаҳҳих: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 01:00 Топирилди — 02:00